# ҲАР ТУП ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ БЎЛСИН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 158 (70018). | 7 июль, 1979 йил | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

## ҒОЛИБ ДАЛА ШИЙПОНИ

Биз «Партия XXII съезди» колхозининг Абдураззоқ Қурбонов бошчилик қилаётган 5-бригадаси дала шийпонига етиб келганимизда, айни туш пайти эди. Бригада агитатори Турғунбой Жониқулов колхозчиларга шу куннинг энг муҳим янгиликлари ҳақида ахборот бераётган экан.

Ҳашаматли бўлмаса-да, озода, оддийгина дала шийпони. Атрофдаги гул ва райҳонларнинг хушбўй ҳиди кишини баҳри-дилини очади. Ҳар бир плакат ва кўргазмалар ўз жойини топиб осилган. Бино пештоқига «Ғўза парваришини янада авж олдирамиз» деб ёзилган шиор осиб қўйилган.

— Бу йил шийпон учун радиоприёмник ва телевизор сотиб олдик, — дейди бригадир биз билан суҳбатда. — Бу кўраётган тадбиримиз ишимизни янада унумли бўлишини таъминламоқда. Умуман айтганда шийпонимизда колхозчиларнинг мароқли дам олишлари учун ҳамма нарса муҳайё.

Яқинда бригада дала шийпонининг район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети ва район комсомол комитетининг кўрик-конкурсида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаши бригада бошлиғининг сўзини исботлаб турибди. Шинам шийпонда мароқли ҳордиқ чиқариб, унумли ишлаётган бригада аҳли бу йил 105 гектар майдонда ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қатъий сўз беришган. Улар бу мажбуриятларини, албатта, бажарадилар. Чунки, пахтазордаги жасоратли меҳнат шундан дарак бериб турибди.

**П. ЭРГАШЕВ,**
**Оққўрғон райони.**

## МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА КЎЗГУСИ

Коммунистик жамият барпо этиш йўлидаги умумхалқ курашининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ҳажмини тез суръатлар билан ошириш қатори маҳсулот сифатининг муттасил ортиб боришини таъминлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир бирлашма ёки корхона коллективи фаолиятини баҳолашда фақат ишлаб чиқариш планларининг бажарилишигина эмас, айни вақтда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати, пишиқ-пухталиги, чидамлилиги, тежамлилиги ҳам ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун ҳам КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш юзасидан бораётган умумхалқ социалистик мусобақасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга катта аҳамият берилаяпти. Бу муҳим кўрсаткични яхшилашга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирларнинг изчил амалга оширилиши, айниқса маҳсулот сифатини бошқариш системасининг тобора кўпроқ бирлашма, завод-фабрикаларда жорий қилиниши областимиз индустрияси ходимлари қўлидан чиқаётган ва замон талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулот турларининг кенгайишига олиб келмоқда.

Саноатчиларимиз замонавий, жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб берадиган, ҳатто айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан бундан ҳам юксак бўлган, ўзининг фойдаланиш учун қулайлиги, пухталиги билан ажралиб турадиган маҳсулотларни тобора кўпроқ ишлаб чиқармоқдалар. Бу соҳада тинмай олиб борилаётган изланишлар, кўрилаётган чоралар, ишлаб чиқариш новаторларининг куч-ғайрати, конструкторлар билан ишлаб чиқариш коллективларининг яқин ҳамкорлиги, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган турли ватанпарварлик ташаббусларининг кенг ёйилиши шундай самара бермоқда.

Областимиз корхоналарида Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот турлари ой сайин ортиб бормоқда. Ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг ўтган биринчи ярмида ўнлаб машинасозлик, кабель, электротехника, кенг истеъмол товарлари шундай шарафли бешқиррали белги билан тақдирланди. Ҳозирги вақтда областимиз бўйича мингдан ортиқ маҳсулот турлари Давлат сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Қатор корхоналарда мавжуд резервлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулот сифатини оширишда катта-катта ютуқларга эришилмоқда. Айрим коллективлар жуда юксак натижаларни қўлга киритишяпти. Масалан, Тошкент агрегат заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли тўртдан уч қисми сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Чирчиқдаги трансформатор заводида эса шарафли бешқирра белгиси энергетика агрегатларининг ярмидан кўпроғига қўйилмоқда. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқдаги химия ва рух заводлари, Тошкентдаги қатор тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, кабель заводи ва бошқа ўнлаб корхоналарда юксак сифатли маҳсулот миқдори тайёрланаётган жами маҳсулот ҳажмида тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси, коллектив шарафи, шон-шуҳратидир. Уни муттасил ошириб бориш ҳар бир корхона ишчи-хизматчиларининг жонажон иши, виждон бурчи бўлмоғи керак. Бунга амал қилаётган коллективларда сифатни ошириш техника тараққиёти йўлида олиб борилаётган ишларнинг асосий йўналиши, ишлаб чиқариш участкаларини реконструкциялаш, янги асбоб-ускуналар, прогрессив технологияни жорий қилишнинг асосий мазмунини ташкил этмоқда, ҳар бир цех, участка, бригада, ҳар бир ишчи-хизматчи меҳнатига баҳо беришнинг асосий ўлчови бўлиб хизмат қилмоқда.

Агар барча корхоналарда ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишлар лозим даражада олиб борилганида, бу муҳим масалага эътиборни кучайтириб сифатсиз ёки сифати паст, брак маҳсулотлар ишлаб чиқаришга чек қўйилганида, миқдор кетидан қувиш сингари қораланган метод бартараф этилганида областимиз саноатида халқ хўжалиги ва аҳолининг кун сайин ошиб бораётган эҳтиёжлари янада тўлароқ, яхшироқ қондирилган бўларди. Афсусланарлиси шундаки, ҳали бизда стандартлар талаблари бузилаётган, бракка йўл қўяётган, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамон давом этаётган корхоналар анчагина бор.

Айниқса, у саноатимизнинг кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларида кўпроқ учрайди. Масалан, кўпчилик пойафзал корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати кўнгилдагидек бўлмаяпти. Республика савдо министрлигининг товарлар сифати бўйича инспекцияси Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида тайёрланган катта миқдордаги оёқ кийимларини текшириб, унинг деярли бешдан бир қисми сортини пасайтирди ва бракка чиқарди. Чирчиқ пойафзал фабрикасига тўрт ой давомида 23 минг жуфт пойафзал сифати ёмонлиги ҳақида 20 та норозилик хати тушди. Янгийўл пойафзал фабрикаси коллективи эса шу муддат ичида 14 та рекламация олди. Бу ерда тайёрланган 10,3 минг жуфт пойафзал стандарт даражасида эмас деб топилди. Бекобод металлургия заводи ишлаб чиқарган сирли идишлари сифати қониқарсиз бўлганлиги оқибатида 16 та рекламация тушди. Умуман олганда, областимиздаги ўндан ортиқ корхона олий категориядаги маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажаришнинг уддасидан чиқмади.

Бутун чоралар билан маҳсулот сифатини яхшилашга эришиш давримиз талабидир. Шундай экан, у ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг меҳнат шиори, кундалик иши бўлмоғи даркор. Бунга эришмоқ учун маҳсулот сифатини бошқариш системасини жорий қилиш йўлидаги ишларни жадаллаштириш зарур. Уни қўллаш яхши натижа беришини тажриба кўрсатиб турибди.

Ҳар бир корхонада белгиланган барча ташкилий-техникавий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, ишлаб чиқариш технологиясини доим такомиллаштириб бориш, янги, замонавий асбоб-ускуналарни кенг жорий қилиш, ишчи-хизматчиларнинг малакаси ва маҳоратини тинмай ошириб бориш керак. Социалистик мусобақа иштирокчилари куч-ғайрати ва ижодий изланишини ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим кўрсаткичлари қатори маҳсулот сифатини яхшилашга сафарбар этиш, ғолибларни аниқлашда иш сифатини алоҳида эътиборга олиш зарур. Сифатли ишлаётган коллективлар ва ишчи-хизматчиларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни доим такомиллаштириб бориш, унинг нафи кўпроқ тегадиган янги-янги формаларини қўллаш керак. Айниқса «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолоти» шиори остида бошланган ташаббусни кенг ёйиш, унга иложи борича кўпроқ меҳнат аҳлини жалб қилиш керак.

«Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни партия энг актуал вазифалардан бири қилиб қўймоқда...— дейди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев.— Маҳсулот сифати қанча юқори бўлса, бутун ижтимоий меҳнат шунча самарали ва унумдор бўлади. Бу вазифа бошқа мулоҳазалар нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Эндиликда биз жаҳон бозорига кенг равишда чиқиб, энг ривожланган капиталистик мамлакатлар билан рақобат курашини бошлаган эканмиз, совет машиналари, станоклари, ускуналари, хуллас, барча совет маҳсулотларининг чет эл нусхаларидан ортда қолмаслиги, аксинча, чет эл намуналаридан ўткирроқ бўлиши жуда ҳам муҳимдир».





Янгийўл районидаги Хамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзолари бу йил 1320 гектар майдонга чигит экишган. Ғўзага агротехник ишлов беришни республика партия ва ҳукуматининг Мурожатида кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида олиб бораётган хўжалик пахтакорлари асосий майдонларда кўчатнинг белгиланган қалинликда бўлишига эришдилар. Ҳозир барча куч ва имкониятлар ғўза ривожидаги қолоқликни яқин кунлар ичида тугатиш ва мажбуриятда белгиланган 40 центнерлик хирмон учун пухта замин яратишга қаратилмоқда. Бу ишда механизаторлар, айниқса, ғайрат кўрсатмоқдалар. 30 йилдан бери ўз касбини улуғлаб келаётган М. Далабоев механизаторлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилаётир.

А. Мальцев фотолари.

## БАРАКАЛИ ХИРМОННИ КЎЗЛАБ

ОҚҚЎРҒОН райони қишлоқ хўжалик ходимлари республика партия ва ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Мурожаатда баён этилган ҳар бир фикр, мулоҳаза ва маслаҳат, айниқса, район пахтакорларининг қалбидан чуқур жой олди. Шу кунларда улар бутун куч ва имкониятларини ғўза ривожидаги қолоқликни тезроқ тугатиш, ҳар бир туп ғўзани тўла сақлаб қолишга, кўчат қалинлигини вегетация охиригача таъминлашга, қайта экилган ниҳолларни қўшимча парвариш қилиб, авж олишини жадаллаштиришга сафарбар этмоқдалар.

«Ленинобод» колхозининг Муҳаммад Назимов бошлиқ бригадаси хўжаликдаги илғор пахтачилик коллективларидан бири. Бригада аъзолари 118 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Уларнинг мақсади гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга салкам 450 тонна «оқ олтин» етказиб беришдан иборат.

«Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари!» — дейилади Мурожаатда.— Сизлар табиий офат оқибатларини жуда зўр куч-ғайрат эвазига бартараф этдингиз. Чигитнинг униб чиқишига ва ғўзаларнинг талаб этилган даражадаги қалинлигига эришдингиз. Эндиликда моҳирлик билан парвариш қилиш, ғўзаларнинг жадал авж олишига эришиш бош вазифадир».

— Бу юксак баҳо ва даъватга бригадамизнинг 45 нафар аъзоси уюшқоқлик билан амалий жавоб беришга ҳаракат қилмоқда,— дейди М. Назимов.— Сувчилардан Ҳалимбой Адашев, Қилич Мирзаахмедов, Умарали Арапов, Дада Тиллабоевларнинг ҳар бири кунлик топшириқларни 1,5—2 баробар қилиб адо этмоқдалар. Тунги суғоришни яхши йўлга қўйганмиз. Бегона ўтларни таг-томири билан йўқотишда Асия Бакирова, Зарифа Бакирова, Гулсара Туробова, Гулхонум Мамедова ва бошқа колхозчиларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Ҳақиқатан ҳам бригада далаларида иш қизғин. Ҳозир бригада даласида ғўза ёппасига шоналаган. Олди гулга кирган, ҳатто кўсаклай бошлаган ғўза туплари ҳам бор. Шу туфайли пахта майдонларининг кўпчилигига «Сифат белгиси» берилган. Бу муваффақиятда Қодир Умаров ва Алиакбар Аҳмедов каби звено бошлиқларининг ҳиссаси беқиёс.

Шу кеча кундузда бригада далаларидаги шижоатли меҳнат бир дақиқа ҳам сусайтирилмаётир. Коллектив аъзолари юксак масъулиятни чуқур ҳис этаётганликларини кўрсатмоқдалар. Шундай ҳаракатгина кузда пахта хирмонининг баракали бўлишини таъминлай олади.

**Б. ЙЎЛДОШЕВ.**

ЭРГАШ Рўзиев «Узбексельмаш» заводининг пешқадам ишчиси. У смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга Тошкент Политехника институтида таҳсил кўрмоқда.

А. Тўраев фотоси.



## КООПЕРАТОРЛАР БАЙРАМИ

Центросоюз ходимларининг 5 июль куни Москвада бўлиб ўтган тантанали йиғилиши халқаро кооперация кунига бағишланди.

Центросоюз юздан кўпроқ мамлакатнинг кооператив ташкилотлари билан амалий ва дўстона муносабатлар ўрнатди. Бу мамлакатлардан 44 тасининг кооператорлари билан савдо алоқалари ривожланаётганлиги йиғилишда уқтириб ўтилди. Совет матлубот кооперацияси етти мингдан кўпроқ йирик универсал магазин ва савдо марказига, 190 мингдан зиёд ихтисослашган магазинга эга бўлиб, уларда хизмат кўрсатишнинг замонавий методлари қўлланилмоқда.

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга сабзавот, картошка, ҳўл мева сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1979 йил 1 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— **Сурхондарё областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Туробов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бердиев, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ Саъдуллаев, область матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Холиқов). Бу область давлатга сабзавот сотиш планини 141,5 процент, картошка сотиш планини 27,4 процент, ҳўл мева сотиш планини 31 процент бажарган;

— Тошкент областининг **ихтисослашган Калинин районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Хайдаров, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ Халилов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Кудряшов). Бу район давлатга ҳамма турдаги сабзавот сотиш планини 48,6 процент, картошка сотиш планини 58,3 процент, ҳўл мева сотиш планини 26,6 процент бажарган;

— Фарғона областининг **Тошлоқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Аминжонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хасанов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эрматов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ Зияев, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Комилов). Бу район давлатга ҳамма турдаги сабзавот сотиш планини 61,2 процент, ҳўл мева сотиш планини 68,3 процент бажарган;

— Наманган область **Косонсой районидаги «Косонсой» совхозига** (совхоз директори ўртоқ Маърупов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдуллаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Собиджонов). Бу совхоз давлатга барча турдаги сабзавот сотиш планини 17,6 процент, картошка сотиш планини 10 процент, ҳўл мева сотиш планини 31 процент бажарган;

— Бухоро область **Ромитан районидаги «Ромитан» совхозига** (совхоз директори ўртоқ Бақоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Фозилов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Исмоилов). Бу совхоз давлатга ҳамма турдаги сабзавот сотиш планини 46,1 процент, ҳўл мева сотиш планини 100,1 процент бажарган;

— Жиззах область **Жиззах районидаги «Москва» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Эргашев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Нуриддинов). Бу колхоз давлатга ҳамма турдаги сабзавот сотиш планини 61,3 процент, ҳўл мева сотиш планини 45 процент бажарган.

## СИФАТ ИНСПЕКТОРИ

*ЛАВҲА*

ТОНГНИНГ муздеккина шабадаси ям-яшил майсаларни, гуркираб ўсаётган экинларни тебратарди. Қаердандир турғайнинг шўх сайрагани элас-элас эшитилади. Ана шундай ажойиб тонгда табиатга суқланиб боққанича ўрта бўй, қорачадан келган киши аста-секин дала айланарди. У яшнаган далага меҳр билан боқади-да, беихтиёр дили яйраб, она-ерга нисбатан муҳаббати ортиб кетади. Сифат учун жавобгар эмасми, экиннинг ичи ўтдан тоза, сувга қонгани, яхши ишлов берилганини кўрса мамнун бўлади.

Собир Раҳимов номли колхоз правлениесидагилар Турғунни ана шу талабчанлиги, ишни яхши билгани учун ҳам бригадаларнинг бирига сифат инспектори қилиб тайинлашди.

Дастлаб ишни уддалай олармиканман, деган андишади эди. Лекин кишилар билан ишлашдаги тажрибаси қўл келди. Тез кунда ҳамма билан аҳиллашиб бир мақсад йўлида кураша бошлади. Ўша йили бригада социалистик мажбуриятини 123 процент қилиб бажарди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик олдинги йилдагига нисбатан 17 процент ошди.

Деҳқонлар ўз сифат инспекторларига суяниб қолишган. У билан фақат далачилик ишлари хусусидагина эмас, балки оилавий масалалар, қувонч ва ташвишлари тўғрисида ҳам маслаҳатлашадилар. Бу ишонч, юксак ҳурмат эса Турғуннинг масъулиятини янада оширди.

Турғун Нурметовдаги фидокорликни кўрган колхоз коммунистлари 1962 йилда уни КПСС сафига қабул қилишди.

Сифат инспектори ердан унумли фойдаланиш, шу йўл билан ҳосилдорликни янада ошириш, бир майдондан 2—3 мартадан ҳосил олиш йўлларини излади. Илғорлар тажрибасига амал қилди. Йил бошиданоқ аниқ режалар тузиб, экин майдонларини яхлитлаштириш ҳақида ўйлади. Катта-катта карталарга бир хил экин экилиши зарур деб топди. Ихтисослаштириш эса юқори натижалар бера бошлади. Йирик карталарга ишлов бериш механизация зиммасига юкланди. Натижада йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб борди. Ўтган йилнинг ўзида 6-бригада азаматлари ҳар гектар ердан 325 центнердан сабзавот ва 150 центнердан картошка ҳосили олдилар. Айниқса помидор, карам, бодринг экинларининг ҳосилдорлиги юқори бўлди. Буларнинг барчасида Турғун Нурметовнинг катта ташкилотчилик маҳорати бор.

Сифат инспектори бажарилаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларни беш қўлдек билиши, унинг назаридан икир-чикирдек бўлиб кўринган нарсалар ҳам четда қолмаслиги керак. У экинларга берилаётган ишловнинг вақтида ва сифатли бўлишини, ҳосил етилган пайтда йиғиштириб олинишини, деҳқонларнинг мириқиб дам олишларини, ҳамма-ҳаммасини назорат қилиб боради.

Хўжаликнинг 7-бригадаси ўтган йили йиллик план ва мажбуриятларини бажара олмади. Қолоқликни йўқотиш мақсадида у ерга Турғун Нурметов сифат инспектори қилиб юборилди. Айни кунларда бу бригадаларда бўлган киши амалга оширилган ишларни кўриб қойил қолади. Улар илғорлар тажрибаси асосида иш олиб бориб, ҳар гектар ердан камида 400 центнердан сабзавот ва 200 центнердан картошка олиш учун курашмоқдалар. Ҳосил топшириш қизғин давом этаётган шу кунларда азамат деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар сархил карам маҳсулотларини аҳоли дастурхонига пешма-пеш жўнатишмоқда.

**Л. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Э. ТОЖИБОЕВ.**
**Тошкент райони.**

## ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИДА

БОКУ, 5 июль. (ТАСС). Республика «Азернешр» нашриёти В. И. Ленин асарлари 55 томлик тўла тўпламининг 18-томини озарбайжон тилида нашр этди. Бу асарни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти нашрга тайёрлаган.

